ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси

Таълимнинг 5110800 – Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси таълим йўналиши учун

«Тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси»
фанидан курс иши ёзиш бўйича

УСЛУБИЙ КЎРСАТМА

Гулистон - 2020

Берикбаев А.А., Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси (курс ишини бажариш бўйича услубий кўрсатма). – Гулистон: ГулДУ Таҳририят-нашриёт бўлими, 2019. – 16 б

Тузувчи: Алишер Берикбаев “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедраси катта ўқитувчиси

Тақризчилар: кафедра мудири. О.Иноятов,
Phd доктор. Р.Хайров

Услубий қўрсатма “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси” кафедрасида муҳокама қилинган ва маъқулланган ҳамда Гулистон давлат университети Ўқув методик кенгашида тасдиқланган.

Услубий кўрсатма Гулистон давлат университети ўқув-услубий кенгашининг 2020 йил _____даги №_____-сонли йиғилишида муҳокама этилган ва чоп этишга тавсия этилган.

Курс иши талабанинг мустақил илмий тадқиқот иши бўлиб, у “Тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси” фанининг назарий асосларини чуқур ўзлаштириш, аниқ амалий материалларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш асосида ёзилади.

«Тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси» фанидан курс иши ёзишнинг мақсади қуйидагилардан иборат:

• талабалар томонидан ўтилган назарий материалларни мустаҳкамлаш ва уларни илмий нуқтаи-назардан ёритиб беришни ҳамда амалиётга тадбиқ қила олишга ўргатиш;

• талабаларда муаммолар қўйиш ва уларни ечиш қобилиятини ривожлантириш;

• талабаларни илмий ва амалий фаолиятда адабиётлар, амалий маълумотлар, турли хил маълумотлар ва бошқа материаллардан фойдаланишга ўргатиш.

Курс ишининг асосий вазифаси талабани танланган мавзунинг илмий-амалий муаммоларини ёритиб бериш ва уларни ечиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишга ўргатишдир.

Курс ишининг даражаси талабанинг илмий-назарий тайёргарлигининг муҳим кўрсаткичларидан бири ҳисобланади.

М У Н Д А Р И Ж А

I. Курс иши ёзишга тайёрланиш 5

1.1. Курс иши мавзусини танлаш 5

1.2. Курс иши тузилиши 5

I I . Курс ишига қўйиладиган асосий талаблар 5

2.1. Курс ишини безашга бўлган талаблар 5

2.2. Курс иши бўлимларини ёзишга бўлган талаблар 6

2.3. Материалларни ёритишга бўлган талаблар.....7

2.4. Илмий-маълумотли аппаратни безаш.....8

III. Илмий адабиётдан фойдаланиш 8

IV. Амалий маълумотларни йиғиш ва қайта ишлаш.....9

V. Курс ишига раҳбарлик қилиш.....9

VI. Курс иши ҳимояси 10

Иловалар..... 12

Таклиф ва мулоҳазалар.....13

I. КУРС ИШИ ЁЗИШГА ТАЙЁРЛАНИШ

1.1. Курс иши мавзусини танлаш

Талаба томонидан курс ишини муваффақиятли бажариш кўп жиҳатдан мавзуни ижодий ишлаб чиқиш ва танлаб олишга боғлиқдир. Талаба ўз илмий ва амалий қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда курс иши мавзусини кафедра томонидан тузилган ва тасдиқланган курс иши мавзуларининг рўйхати ичидан мустақил равишда танлаб олиши керак.

1.2. Курс иши тузилиши

Курс иши тузилиши одатда кириш қисми, асосий бўлим, хотима, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва зарур бўлса иловалардан иборат бўлади. Унинг барча қисмлари бир бири билан ўзаро боғланган ва курс иши мавзусини очиб бериш мақсадига хизмат қилиши лозим.

Шу билан бирга илмий-тадқиқотнинг концепциясини, унинг асосий ғояларини аниқлаб берувчи кенгайтирилган курс иши режасини, тадқиқ қилинадиган муаммолар доирасини ва манбаларини аниқ белгилаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Амалий маълумотларни йиғиш, тартибга солиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш жараёнида курс иши режасига аниқлик киритилиши ёки у ўзгартирилиши мумкин.

2. КУРС ИШИГА ҚЎЙИЛАДИГАН АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

2.1. Курс ишини безашга бўлган талаблар

Курс иши ҳажми қўлда (кафедра мудири розилиги билан компютерда) ёзилган текстда 25-40 бет доирасида бўлиши керак.

Курс иши унинг режасига мувофиқ алоҳида қисмларга (боблар ва параграфларга) бўлинади. Бу қисмларнинг номи қисқача бўлиб, мазмунига мос тушиши ва текстга симметрия равишда бош ҳарфлар билан ёзилиши лозим. Бетлар араб рақамлари билан юқоридаги ўнг бурчакда рақамланиши лозим.

Курс иши қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олиши лозим:

- титул варағи;
- мундарижа;
- кириш;
- курс ишининг энг муҳим масалаларини бирлаштирувчи асосий қисм;
- хотима;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати;
- иловалар.

Курс иши А4 (210*297) форматли оқ варақнинг бир томонига 2 интервал орқали ёзилади ва уни ёзишда қуйидаги ҳошиялар ўлчамига риоя қилиш лозим:

чап ҳошия – 30 мм.

ўнг ҳошия – 15 мм.

пастки ҳошия – 20

мм.

юқориги ҳошия – 20 мм.

Курс ишини рақамлаш титул варағидан охирги бетгача ҳамма варақларни ўз ичига олиши лозим. Титул варағи биринчи бет ҳисобланади ва унга рақам қўйилмайди. У *1-иловада* келтирилган форма бўйича тўлдирилади.

Курс ишидаги барча иллюстрациялар (графиклар, расмлар, диаграммалар ва ҳ.к.) ўз номига эга бўлиши ва бу ном унинг юқори ёки паст қисмига ёзилиши лозим.

Барча формулалар араб рақамлари билан рақамланиши керак. Формула рақами (ҳаволалар) унинг тўғрисида варақнинг ўнг томонида қавс ичида кўрсатилади.

2.2. Курс иши бўлимларини ёзишга бўлган талаблар

Мундарижада курс ишининг барча қисмлари (кириш, бўлимлар, параграфлар, хотима, фойдаланилган адабиётлар) жойлашган саҳифа рақамлари билан биргаликда келтирилади.

Кириш қисми ҳажми 3-4 бетни ташкил қилади. Унда танлаб олинган мавзунинг муҳимлиги асосланади, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, назарий ва методологик асослари ёритиб берилади.

Асосий қисм (боб ва параграфлар) курс иши умумий ҳажмининг тахминан 80-85% ни ташкил қилиши керак. У камида 3-4 парагрфдан иборат бўлиб, бу бўлимлар (боблар) ўз навбатида алоҳида саволларга ёки параграфларга бўлинган бўлиши мумкин.

Асосий қисмда мавзунинг асосий назарий ва методик масалалари кўриб чиқилади, статистик (ҳисобий) маълумотлар таҳлили натижалари ёритилади, ўрганилаётган мавзулар жараёнларнинг ривожланиш тарихи, йўналишлари ва қонуниятлари аниқланади, уларга таъсир қилувчи омиллар ўрганилади ҳамда ўрганилаётган мавзу жараёнларни такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқилади.

Назарий масалаларни ёритиш жараёнида талаба курс иши мавзуси ва мазмунини Умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларининг Тасвирий санъат ва чизмачилик фанларининг муаммо ва ечимлари

дарс самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатадиган ва хаётий амалиётларга узвий боғлашга ҳаракат қилиши лозим. Худди шу бўлимларни ёзишда талаба олган назарий билимларини ВМ нинг 2017 йил 6 апрелда қабул қилинган ДТС да белгиланган таянч компетенцияларни қўллай олиш ва амалий масалалар билан ўзаро боғлай олиш қобилиятини кўрсата билиши лозим. Унда тасвирий санъат ва чизмачилик соҳасида илғор тажрибаларни умумлаштириш, мавжуд камчиликларни ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлай олиш муҳим ўрин эгаллайди.

Курс ишида ўрганилган мавзуни такомиллаштиришга қаратилган, аниқ ёзилган ва илмий асосланган тавсиялар ва чора-адбирларнинг бўлиши шарт.

Курс ишининг хотима қисми 3-4 бетдан иборат бўлиб, унда талаба илмий тадқиқотининг асосий хулосалари ва таклиф этилган тавсиялари келтирилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида курс иши ёзиш давомида фойдаланилган манбалар рўйхати келтирилади (***2, 3-иловалар***).

Иловаларда асосий матнни ўқишни қийинлаштириши мумкин бўлган жадваллар, графиклар, ҳужжатлар нусхалари, диаграммалар келтирилади.

Курс иши матнида мавзуни очиб бериш билан боғлик бўлган ва тўғри тузилган жадваллар, графиклар, расмлар, диаграммалар ва бошқа иллюстратив материаллар келтирилиши лозим.

2.3. Материалларни ёритиб беришга бўлган талаблар

Курс иши грамматик хатоларсиз, равон адабий тилда ёзилиши, жумла ва гаплар аниқ ифодаланиши, улар ўзаро боғлиқ бўлиши ва бир бирини тўлдириб туриши керак. Унда келтирилаётган статистик малумотлар фақатгина иллюстрация вазифасини ўтаб қолмасдан, хулосалар чиқариш ва уларни исботи учун хизмат қилиши лозим. Курс ишида келтирилган барча фактлар ва маълумотларнинг аниқлиги ва ҳақиқийлиги учун унинг муаллифи жавобгардир.

Курс ишига қўйиладиган муҳим талаблардан бири – илмий тадқиқотнинг талаба томонидан мустақил амалга оширилишидир. Талаба томонидан турли хил манбалардан далиллар, статистик малумотлар, турли муаллифларнинг фикрларидан парчалар келтириш иложи борича қисқа, грамматик нуқтаи назардан тўғри тузилган ва

илмий маълумотли аппарат билан таъминланган бўлиши керак.

2.4. Илмий-маълумотли аппаратни безаш

Курс ишида илмий-маълумотли аппаратни безаш нашр этишга тайёрланаётган илмий ишлар талабларига жавоб бериш керак.

Курс ишини ёзиш жараёнида талаба шу соҳада мавжуд бўлган ва ўзи фойдаланган бошқа илмий тадқиқотлардан, маълумотномалардан далил келтириши шарт.

Илмий-маълумотли аппаратни безаш давомида талаба қуйидаги шартларга риоя қилиши лозим:

- курс ишини ёзиш давомида фойдаланилган адабиётлар ва бошқа манбалардан далил келтириш бир хил тартибда ёритилиши керак;
- матнда фойдаланилган манбалардан далил келтириш саҳифа остидаги изоҳ тарзидаги ёзув ёки квадрат қавс ичида фойдаланилган адабиётларда келтирилган рўйхат бўйича манба тартиб рақамини ва саҳифасини кўрсатиш тарзида амалга оширилиши мумкин;
- саҳифа остидаги изоҳ тарзидаги ёзувда вақтли нашрлар, китоблар, мақолалар номи қўштирноқсиз ёзилади;
- саҳифа остидаги изоҳни 1,5 интервал орқали амалга оширилиши лозим.

3. ИЛМИЙ АДАБИЁТДАН ФОЙДАЛАНИШ

Курс ишини сифатли бажаришнинг муҳим шартларидан бири танлаб олинган мавзу бўйича мавжуд махсус адабиётларни чуқур ўрганиш ҳисобланади. Бунда кўриб чиқилаётган саволларга алоқадор бўлган барча асосий ишларни (расмий маълумотларни, илмий асарларни, дарсликларни, илмий мақолалар тўпламларини, ойнамаларда босилган мақолаларни, илмий анжуманлар материалларини, статистик маълумотномаларни) ўрганиб чиқиш зарур.

Адабиётларни ўрганиш жараёнида асосий эътиборни биринчи навбатда мақола ёки китобнинг курс иши билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлган қисмларга (бобларга, параграфларга) қаратиш керак. Шу билан бирга курс ишини ёзиш жараёнида керак бўлиб қолиши мумкин бўлган саволларни тушириб қолдирмаслик мақсадида ҳар бир ўрганилаётган адабиётни бошидан охиригача кўз югуртириб чиқиш лозим. Адабиётларни ўқиш ва ўрганиш жараёнида курс иши билан боғлиқ бўлган саволлардан парча кўчириб олиш зарур. Ҳар бир

парчада унинг манбаси ва манбадаги саҳифаси кўрсатилган бўлиши шарт. Адабиётлар билан танишиш жараёнида муаллиф ўз хулосаларини исботлаш учун фойдаланган таҳлилнинг техник усулларини (жадваллар, шакллар, статистик маълумотларни гуруҳларга бўлиш ва ҳ.к) хотира учун ёзиб қўйиш зарур, чунки улардан баъзи бирларидан курс ишини ёзиш давомида фойдаланиш мумкин.

Ўрганилаётган адабиётлардан кўчириб олинаётган парчаларни алоҳида қоғознинг фақат бир томонига, ёзув учун ҳошия қолдирган ҳолда ёзиш мақсадга мувофиқдир. Адабиётлар билан танишиш жараёнида вужудга келган ғояларни шу ҳолдаёқ ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқдир: адабиётларни ўрганиш даврида хаёлга келган ажойиб фикр бошқа қайтиб келмаслиги мумкин.

Курс ишини талаб даражасида ёзиш учун кўп миқдордаги адабиётни кўриб чиқиш ва ўрганиш талаб қилинганлиги сабабли парчалар шаклида тўпланган маълумотларни тартибга солиш лозим. Бундай тартибга солиш турларидан бири қуйидагича бўлиши мумкин. Ҳар бир парча маълум бир рақам билан белгилаб қўйилади. Масалан, «1,2» рақами парчадан 1-чи бўлимнинг 2-чи параграфини ёзиш давомида фойдаланилади деган маънони билдиради. Йиғилган маълумотларни ҳар бир параграф ичида ёритиладиган саволлар бўйича ҳам тартибга солиш мақсадга мувофиқдир.

Агар адабиётлар манбалари билан ишлаш талаба томонидан виждонан амалга оширилса, у қайси саволлар бўйича қандай амалий маълумотлар тўплаш кераклигини ва бу маълумотларни қайси йўналишда қайта ишлаш ва таҳлил қилиш кераклигини яхши билади.

4. АМАЛИЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙИҒИШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ

Амалий маълумотларни йиғишда тадқиқот объектининг ҳисоботларидан, илмий-амалий анжуманлар материалларидан, амалий тадқиқотлардан фойдаланилади. Бундан ташқари танланган мавзу бўйича мустақил социологик тадқиқотлар, кузатишлар, сўроқ ўтказиш ва тахлилий ҳисоблаш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Турли кўрсаткичларнинг динамикасини таҳлил қилиш учун бир неча йиллик керакли маълумотларни йиғиш талаб қилинади.

Йиғилган маълумотларни алоҳида бўлимлар ва параграфлар бўйича тақсимлаш ва шундан кейингина уларни ҳар бир бўлим ва параграф мақсади ва вазифаларига мос равишда қайта ишлашга киришиш

мақсадга мувофиқдир.

5. КУРС ИШИГА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШ

Курс ишига умумий методик раҳбарликни илмий раҳбар амалга оширади. Илмий раҳбарнинг асосий вазифалари
қуйидагилардан иборат:
- курс ишига вазифа бериш;
- талабага курс иши тузилиши ва режасини ишлаб чиқишда ёрдам бериш;
-талабага мавзу бўйича асосий ва қўшимча адабиётларни, маълумотномаларни танлашда ёрдам бериш;
-талаба билан биргаликда тадқиқот объекти ва доирасини, объект фаолиятини ўрганиш, маълумотлар йиғиш ва уларни таҳлил қилиш методларини аниқлаш.
- Илмий раҳбар талаба ташаббусини турли йўллар билан ривожлантириши, уни мустақил илмий тадқиқот ишини амалга оширишига ёрдам бериши лозим.
- Илмий раҳбар томонидан курс иши ёзиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш илмий раҳбар томонидан белгиланган ва кафедра томонидан тасдиқланган муддатларда ўтказилади.
-Илмий раҳбар, унга тақдим қилинган курс ишини текшириб, ўз мулоҳазаларини билдиради ва ишни қайси йўналишда ўзгартириш ва тўлдириш кераклиги тўғрисида маслаҳат беради.
-Ёзиб тугатилган курс иши белгиланган муддатда илмий раҳбарга топширилади. Илмий раҳбар курс ишини текшириб чиқади ва ўзининг ёзма тақризида уни ҳимояга рухсат бериш тўғрисида ўз фикрини билдиради ва тақризга имзо қўяди. Илмий раҳбар курс ишини ҳимояга қўйиш мумкин эмас деган фикр билдирган шароитда бу масала кафедра мажлисида илмий раҳбарнинг ва курс иши муаллифининг иштирокида ҳал қилинади. Кафедра мажлиси баённомаси университет ректорининг ўқув ва илмий ишлари бўйича проректорига тақдим этилади.

6. КУРС ИШИ ҲИМОЯСИ

Курс ишлари ҳимояси учун кафедра комиссия таркибини тасдиқлайди.
Курс иши ҳимояси тартиби. Талаба 10-15 дақиқа давомида комиссияга курс ишининг мақсади, вазифалари, мазмуни ҳамда ўз тавсиялари ва таклифлари тўғрисида ахборот беради. Шундан сўнг

талаба курс иши мавзусига ва у билан боғлиқ бўлган комиссия аъзолари саволларига жавоб беради.

Курс иши баҳоси комиссия томонидан илмий раҳбар тақризи ва талаба жавоблари асосида белгиланади.

Илова-1
Титул варақаси намунаси

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси кафедраси

«Тасвирий санъат ва муҳандислик графикасини ўқитиш методикаси»
фанидан

КУРС ИШИ

МАВЗУ: УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ
(7-синф мисолида мисолида)

Бажарди: ТСМГ-52-18 гурух III -курс
талабаси
Абдуллаев Т.А
Илмий раҳбар: катта ўқитувчи Берикбаев А.А.

Гулистон - 2020

Илова-2

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини тузиш тартиби.

Курс ишида адабиётлар қуйидаги тартибда келтирилиш лозим:
– Расмий материаллар: қонунлар, Президент қарорлари.
– Давлат бошлиғи асарлари;
– Монографиялар, рисолалар (алфавит тартибда) ;
– Ойномалар ва газеталардаги мақолалар;
– Диссертацияялар ва авторефератлар;
– Статистик маълумотномалар ва ҳисобий маълумотлар;
– Хорижий тилларда адабиётлар;

Илова-3

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатини наъмунаси

1. Мирзиёев Ш. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Т.:Ўзбекистон, 2016.14-б
2. Умронхужаев А. Мактабда чизмачилик ўкитиш методикаси Тошкент «Ўзбекистон» 2002.107 бет
3. Умронхужаев А. Мактабда чизмачилик ўқитишни такомиллаштириш. Тошкент «Ўкитувчи» 1993.103-107 бет
4. Шодиев Д.Ш., Шахмаев Н.М. Физика. Тошкент Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти 2002.89-91 бет
5. Шахмаев Н.М., Шахмаев С.Н., Шодиев Д.Ш. Физика Молекуляр физика. Электродинамика Тошкент «Ўкитувчи» 1996. 19-33 бет
6. Кирғизбоев Ю., Собитов Э., Хакимов Л., Рахмонов И., Машинасозлик чизмачилик курси Тошкент «Ўкитувчи» 1981. 46-57 бет

Курс иши мавзулари

РЎЙХАТИ

1.	Tasviriy san’at darslarida O’zbekiston rassomlarining ijodini o’rgatish metodikasi.
2.	Kasb-hunar kollejlarida tasviriy san’at fanidan ma’naviy-ma’rifiy ishlarni olib borish metodlari.
3.	Tasviriy san’at darslarida talabalarning ijodiy qobilyatlarini shakllantirish.
4.	Tasviriy san’atda kompozisiyaning roli va ishlash usullari.
5.	Tasviriy san’atda talabalarning ijodiy qobiliyatlarini shakllantirish.
6.	Kasb-hunar kollejlarida tasviriy san’at fanidan to’garaklar tashkil etish metodikasi.
7.	Tasviriy san’at darslarida badiiy asarlar orqali san’atshunoslik madaniyatini shakllantirish.
8.	Amaliy san’at darslarida “Ustoz-shogird” an’anasining shakllanishi.
9.	Tasviriy san’at darslarida akademik M.Nabievning ijodi.
10.	Sharq mutaffakirlarining amaliy san’at haqidagi fikrlari.
11.	Tasviriy san’atdan badiiy kechalar, uchrashuv, ko’rik tanlovlar uyushtirish va o’tkazish metodikasi.
12.	Kasb-hunar kollejlarida amaliy san’at fanidan ma’naviy-ma’rifiy tadbirlarni badiiy kecha, uchrashuv, qiziqarli viktorina o’tkazish metodikasi.
13.	Kasb-hunar kollejlarida tasviriy san’at fanidan ma’naviy-ma’rifiy ishlarni olib borish metodlari.
14.	Tasviriy san’at darslarida talabalarning ijodiy qobilyatlarini shakllantirish.